Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 10 (9.202) 1999 йил 27 январь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

Хабарингиз бор — Йўлбошчимиз Ислом Каримов бу йилдан бошлаб республикамизда ҳар йили 9 Майнинг Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш ҳақидаги таклифни айтдилар. У бутун халқимиз дилидаги айни муддао бўлди. Бинобарин хотирлаш ибораси урушда ҳалок бўлганларга тегишли бўлса, қадрлаш ўша муҳорибалардан соғ-омон қайтиб бугунгача етиб келганларга тегишлидир...

Муносабат

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ — МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Қадрлаш сўзининг рамзий ва чуқур маъноси ҳам — дунёдан ўтганларнинг хотирасини эслаш билан чекланиб қолмай, улар билан баробар жанглар қилиб ўз уйи, ўлан тўшакларига қайтиш насиб бўлганларга иззат-икром кўрсатишга даъват этишдан иборатдир. Зеро, ўзбекларда «Вафотидан кейин минг кун йиғлагандан кўра тириклигида бир кун ҳурматини келтир» деган нақл ҳам борки, қадрлаш иборасининг туб моҳиятида ана шу жуда оддий, аммо ўта теран ҳаётий бир фалсафий маънолар лиқ тўлиб ётибди...

Юртбошимизнинг таклифлари ва ташаббуслари билан Тошкентнинг киндигида **Хотира ва қадрлаш** майдони барпо этилаётгани ҳозир барча миллат ва табақага мансуб фуқаролар томонидан маъқулланаётгани ахборот воситаларида ҳар куни турли шаклларда эълон қилиниб турганини ҳамма кўриб, билиб, кузатиб бораётгани маълум... Худди шу нуқтада киши хаёлини узоқ-узоқларга олиб кетадиган, ҳаётнинг ўзигагина хос, гоҳо ҳеч кимнинг истак ва интилишларига бўйсунмайдиган ғаройиб ўйинлари ёдга тушади. Яъни, бировлар борки, бир ерда туғилиб, отаси ёки онаси бошқа томонларга, ўғли бошқа, қизи бошқа томонларга кетиб қолганча қаерда қорни тўқ, усти бутун, маишати жойида бўлса, ўша ерда қолиб кетади, умри ҳам тўғри келган бир ерда тугайди... Ота-она қабри, хилхонаси деган тушунчалар уларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди... **Авлодларимиз аввал ўзи туғилиб ўсган ерларида доимий қўним топишга интилган, тақдир тақозоси билан бошқа ерларга кетиш мажбуриятлари туғилиб қолгудай бўлса, кексайган кезлари она юртига қайтиш, ота-боболари дафн этилган ердан бир кишилик абадий қўним топишни жоиз билганлар. Шунга ҳам биров етади, биров етмайди...** Шу жиҳатдан машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов романларидан бирида тасвирланган бир шахснинг ўлими олдидан қилган васиятлари — ота-боболари қабрига дафн этилишини орзу қилгани, қариндошлари марҳумнинг сўнги орзуларини амалга оширмоқчи бўлганларида — у ерларда аллақачон қизил империянинг космодромлари қурилиб, атрофи ўраб олингани, ҳар йили неча мартадан атом синовлари ўтказиб турилган бу ерларга асл ерли миллатдан бирон-тасини йўлатмаслиги қарамдан эзилганларнинг қалбларини пора-пора қилиб ташларди... Зеро ўз қавми, она ери, киндик қони тўкилган жойни ҳеч нарсага алишмаслик, сотмаслик, жаҳонда ундан кўра қимматлироқ бирон нарса йўқлигини чуқур идрок этиш — асл ватанпарварликнинг олий нуқтаси бўлса керак... **«Ватан, ватан, ватан» деб жар солиб, тўғри келган жойда ватанни сотиб кетишдан катта жиноят дунёда йўқ. Қизил империя дарида ана шундай сохта «ватанпарварлар»нинг бутун бир қатлами вужудга келди. Уларнинг баъзилари ҳамон эски тузумни гоҳ очиқ-гоҳ зимдан қўмсаб келаётганларини кузатиб келаётганлар билишади. Бундайларнинг айримлари хўжакўрсинга «истиқлолчи» ҳам бўлиб олганлар. Буни ҳам жамоатчилик яхши билади. Бироқ буларнинг биз учун энг даҳшатли томони шундаки, вазиятга мослашиб, ҳар куни минг хил қиёфага кира оладилар, бирини пайқайсан, бирини пайқамай қоласан, аммо қилаётган ишларидан жуда очиқ англаб олиш унча қийин эмас. Бу бир бўлса, иккинчидан ва энг қалтис ери шулки, уларда на халқ, на миллат ва на ватан деган тушунчалардан тариқча ҳам йўқ. Айтингчи, ўз умрида хотинига, бола-чақасига, ака-укасига-ю ҳамкасб тенгдошларидан устозларигача хиёнат қилиб — ҳаммага ва ҳамма нарсага нисбатан вафосизликнинг узун йўлини босиб ўтаётган кимса, яъни ҳаётида ҳеч кимга садоқат кўрсатмаган одам ўзини фақат вафо йўлидан бораётган қилиб кўрсатмоқчи бўлса, иймон, виждон деган муқаддас ҳис-туйғулар қаёқда қолади?!** Шу ерда яна бир изоҳга эҳтиёж бор: ўша машъум қарамлик даврида қизил мафкурага хизмат қилганларнинг ҳаммасини қоралаш деган фикр бу ерда асло йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Агар бор-йўқни инкор этиш керак деган маъно илгари сурилса, бу — камида ўта калтабинлик бўлурди. Ўша даврда яшаб, ишлаб туриб иймон-эътиқодига, халқи, ватанига садоқат кўрсатган ва умрининг охиригача элюртда катта обрў-эътиборга эга бўлганларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Худди ўша кезларда агар зарурат туғилиб қолса, ҳамма нарсани сотиб юборишга тайёр кимсалар ҳақида гап боради... Бировдан боғ, бировдан доғ қолади деганда халқимиз ана шундай икки тоифадаги — иймон-эътиқодда маҳкам туриб эл-юртига жонини фидо қилишга тайёр, ҳатто фидо қилган улуғлар билан ҳар қандай вазиятда фақат ўз манфаатидан бошқани тан олмайдиган ва ҳар қандай вазиятга дарров мослашиб оладиган худбинларни кўзда тутган...

Аслини олганда одамга берилган умр гарчи юз йил бўлса-да, оз, бу дунё ўткинчи, ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас ва бўлолмайди. Бундай қараганда одамга унча кўп нарса ҳам керак эмас дейиш мумкин, кун ўтади, «Қул ўлмас, рисқи камаймас» деган мақол бор... Лекин шу дунёдан иложи борича юлиб қолишга интилганлар — умрининг охиригача бахтли бўлиб кетганини ҳали ҳеч ким кўргани йўқ дейиш мумкин... Ана шунинг учун ҳам ҳамиша ҳар икки дунёни ўйлаб қадам босганлар кам бўлган эмас. Биз ўтганлар хотирасини эсга олиш, тирикларининг ҳурматини жойига қўйиш деганда шуларни тушунамиз...

Яна бир нуқта: ахборот воситаларида «Хотирлаш ва қадрлаш» ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Айримларида «Бизнинг шу кунларимиз учун курашиб ҳалок бўлганларни эслаймиз» тарзидаги иборалар гоҳо — ўйламай-нетмай тилга олинади. **Агар ростини айтилса, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни қизиллар даврида фақат собиқ СССРнинг ғалабаси деб таърифланишини ким билмайди. Ўрта осиёликлар ўша тузум буйруғи билан жангга кетганларини бугунги Истиқлолимиз учун курашдилар деб баҳолаш унчалик тўғри бўлмаса керак.** Истиқлол учун курашганлар ХХ асрнинг бошларида маърифат, маданият, маънавият майдонига чиққан жадидчилар эди, улар шу йўлда кўрашиб, тенгсиз рақиблари томонидан — асосан қизил империя томонидан сидирғасига қириб ташлангани нега унутамиз?! **Ўзбекларда марҳумлар руҳига бағишлаб тиловат қилиш, уларнинг фазилатларини яхшилик билан тилга олиш миллий урф бўлиб қолган... Хотира ва қадрлаш куни, зиёратгоҳ бўлиб қоладиган майдонга борганда биз мана шуларни тасаввур қиламиз... Бутун вужудимиз билан худди ўтган ота-оналаримиз, акаларимиз, жигарбандларимиз қабрини зиёрат қилган кезларимизда кўнглимиздан нималар ўтадиган бўлса, яъни сўз билан ифода этиш қийин, фақат ҳис-туйғу билангина идрок этиш мумкин бўлган аллақандай илоҳий ва дунёвий ўй-фикрлар бутун борлиғимизни қамраб олади... Бир муддат бутун дунё ташвишлари-ю кундалик тирикчилик талабларини унутиб, фақат икки дунёнинг эзгуликлари ҳақида ўйлаймиз... Ўз қилмишларимизни ҳам бирма-бир кўз ўнгимиздан ўтказамиз... Эл-юрт, ватан, инсоният сингари муқаддас тушунчалар бизни беихтиёр қамраб олади... Негаки, урушда ўқ еб жон таслим қилаётган ҳар бир аскар — ўлим олдида «Яхши бўлди, мен ватан учун ўлаяпман» деб эмас, «Оҳ, афсус, ўз уйим, қишлоғим ёки шаҳрим, қавм-қариндошим, отам, онам, акам, укам ёки ёрим, боламни кўролмай қолдим, э воҳ!»** деб қалбларидан ҳасрат-надомат дудлари бурқираб чиқади... Уруш вақтида ёзилган бир саҳна асарида боласи фронтда ҳалок бўлган бир она саҳнадан — **«Майли, болам ватан учун жон берди» деганда Абдулла Қаҳҳор «Она бўлмай ўл» деган эди... Негаки, сохта ватанпарварлик, сийқа, ёлғон-яшиқ гаплар йиғиндисидан тузилган шеър, ҳикоя, пьесалар роса кўпайиб кетган, ҳозир уларнинг бирон-тасини биров ўқиш у ёқда турсин, тилга ҳам олмай қўйган... Одамларда сохта садоқатни шакллантириш шу қадар авжга минган эди... Эндиги ташкил этилаётган Хотира ва қадрлаш майдони ана шундай сохталиклардан батамом ҳоли, чинакам энг муқаддас ҳис-туйғулар маскани сифатида зиёратгоҳ бўлиб қолса ажаб эмас. Бу буюк Истиқлол ва миллий қадриятлар маркази ҳамдир...**

Соғлом авлод учун

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ ТОПШИРИЛДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ўзига хос тухфани қабул қилиб олди.

Гистероскоп деб аталувчи бу тиббий асбоб 10 минг долларга баҳоланади. Унинг ёрдамида аввалларида жарроҳлик йўли билан даволанган гинекологик хасталикларга энди пичоқ теккизмай шифо берилади. Ушбу янги замонавий аппаратурани жамғарма ихтиёрига «Карл Шторц» номли машҳур немис компанияси топширди. Фирма ана шундай жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— Жамғармамиз аёллар ва болалар соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича давлатимизнинг қатор дастурлари асосида фаолият кўрсатмоқда, — деди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Гулнора Йўлдошева ушбу тиббий асбобни қабул қилиш маросимида. — Бу борада бизга бир қанча ташкилотлар, жумладан хорижий шериклар ёрдам беришмоқда. Бу тадбир фаолиятимизда дастлабкиси эмас. У республикамиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш йўлидаги яна бир қадамдир.

Мурод РАҲИМОВ.

«Ўзбеккабель» акциядорлик жамиятида ўз касбига ихлос қўйган ишчилар кўпчиликни ташкил этади. Ушбу суратда (чапдан) тасвирланган зирҳлаш цехининг шохобча бошлиғи Файзулла Усконов ва пўлат қопловчи Обиджон Раҳимжоновлар шулар жумласидандир.

Рустам Шарипов олган сурат.

Саноат

ГУВОҲНОМА БЕРИЛДИ

Республикамизда «ЎзКейсмаш» қўшма корхонаси тузилиши янги русумдаги пахта териш машиналарини йиғиш ва ишлаб чиқариш учун мустаҳкам техник негиз яратиб берди. Бу каби қудратли агрегатлардан унумли фойдаланишни кенг йўлга қўйиш малакали мутахассис кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ошириб юборди.

Бундай хайрли ишга «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» Давлат-кооператив қўмитаси яқиндан бош қўшмоқда. Қишлоқ хўжалик машиналарини моҳирлик билан бошқара оладиган тажрибали механизаторларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида бирйўла 4 та ўқув маркази очилди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузурида ташкил топган ўқув маркази қисқа вақт ичида талайгина тракторчи ва комбайнчиларни тайёрлаб берди. Улар «Кейс» агрегатлари ҳамда комбайнларини бошқариш ихтисослиги бўйича гувоҳномага эга бўлдилар.

Олий ўқув юрти «Ўзиталмотор» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникаси билан шуғулланувчи муҳандис ва техник ходимларни ўқитишга ҳам киришди.

Акбар АЛИЕВ.

Анжуманлар

МУҲИМ МАВЗУДА

КЕЧА

Бектемир туманидаги «Сувмаш» заводида «Аёл ва жамият» институти, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Мустақил давлатда демократия асосидаги сайловларни ўтказиш» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Бу семинар-кенгашни ўтказишдан мақсад юртимизда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг туб моҳиятини кишилар онгига сингдириб, уни амалиётда қўллаш йўл-йўриқларига алоҳида эътибор қаратишдир.

Семинар-кенгаш ишида Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова иштирок этди.

Семинар-кенгаш

БУГУН

ўз ишини давом эттиради.

Гулбаҳор МЎМИНОВА.

Футбол

«ПАХТАКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Янги мавсумга тайёргарликни эрта бошлаган мамлакатнинг ўтган йилги чемпиони — «Пахтакор» жамоаси ўртоқлик назорат учрашувларини бошлади.

«Қибрай» ўйингоҳидаги яшил майдонда мавсумнинг илк ўртоқлик беллашуви пахтакорчиларнинг қирқ йиллик рақиблари бўлмиш Алматининг «Қайрат» жамоаси билан ўтказилди. Учрашувни кўтаринки руҳда ўтказган пахтакорчилар рақибларини 2:0 ҳисобида доғда қолдирдилар. Ҳар иккала тўпни моҳир ҳужумчи Азамат Абдураимов киритди.

ЭРТАГА

«Пахтакор» жамоаси мавсумга тайёргарликнинг навбатдаги босқичини ўтиш учун Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Саньат

КИНО АСАРЛАРИ САРҲИСОБИ

«Ўзбеккино» ДАК маблағи ҳисобига ва кўмаги остида суратга олинган фильмларга баҳо бериш ва уларнинг ютуқ-камчиликларини таҳлил қилиш мақсадида 25 январдан бошлаб Республика Киночилар уйида санъатшунослик институти билан ҳамкорликда киношунослар, танқидчилар, журналистлар иштирокида ўтган икки йилда ишланган барча ҳужжатли, бадиий ва мультипликацион фильмларнинг намойиши бошланди.

БУГУН

режиссёр Ш. Аббосов томонидан ишланган 4 қисмли «Отамдан қолган далалар» бадиий фильми ва «Қора қаср» мультфильми,

ЭРТАГА

эса мутахассислар ва мухлислар «Тилсимой — ғаройиб қизалоқ» (режиссёр М. Боймуҳамедов), «Ёлғиз ёдгорим» (С. Назармуҳамедов) бадиий фильмлари, «Ал-Бухорий» ва «Ал-Фарғоний» ҳужжатли, «Баҳром ва Дилором» мультфильмини кўришлари мумкин.

Намойишлар якунланганидан сўнг 2 февралда фильмлар муҳокамасига бағишланган якуний конференция бўлиб ўтади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 январь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ижрочи котиби Борис Березовскийни қабул қилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кечаётган жараёнларга оид масалалар ушбу учрашувнинг бош мавзуи бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 январь куни Россиянинг С. Илюшин номидаги авиасозлик компанияси Бош конструктори Генрих Новожилов, компания Бош директори Виктор Ливанов, Халқаро авиация қўмитаси раиси Татьяна Анодина ҳамда Канаданинг «Пратт энд Уитни» компаниясининг тараққиёт масалалари бўйича вице-президенти Жозеф Торкеттини қабул қилди. Учрашув ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Президентига Авиация ва парвоз фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси дипломи топширилди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов авиация техникаси соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун ушбу нуфузли халқаро академиянинг ҳақиқий аъзоси бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ғофуржон Тешаев Миллий Хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари Бош штаби бошлиғи вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Назорат инспекциясида ҳудудий назорат инспекцияларининг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

● **Кеча** Тошкентда тошкентлик авиасозларнинг россиялик конструкторлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарган «Ил-114-100» самолёти муваффақиятли синовдан ўтди. Лойиҳага Канаданинг «Пратт энд Уитни» компанияси ҳам жалб этилган.

● Вазирлар Маҳкамасида корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди.

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Хўжалик субъектлари бошқарувида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● Республика матбуотида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

● Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

● Гулистонда бўлиб ўтган Сирдарё вилоят фаолларининг йиғилишида ўзини ўзи бошқариш органларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг натижалари ва 1999 йилда улар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

● Навоий вилоятида бўлиб ўтган вилоят фаоллари йиғилиши Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалага бағишланди.

● Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашининг сессиясида вилоятни 1998 йилда иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш якунлари ва галдаги вазифалар муҳокама этилди.

● Ўзбек-Турк «Самқочавто» қўшма корхонасидаги сўнгги созлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Февраль ойидан бошлаб бу ерда мўъжаз автобуслар ва 30 та модификациядаги, жумладан тўрт хил турдаги ихтисослаштирилган автотранспортлар тайёрлаш бошланади.

● «Тошкентўйойинвестқурилиш» корпорациясида бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда бунёдкорларнинг пойтахтимизда жорий йилда амалга оширадиган ишлари аниқлаб олинди. Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида шаҳримизнинг Қоратош, Сомонбозор мавзеларида, Амир Темур, Халқлар Дўстлиги ва Сағбон кўчаларида қўплаб янги уй-жойлар фойдаланишга топширилади.

● **Кеча** Тошкентда офтальмологик тадқиқотларни ривожлантириш учун биринчи Ўзбек — Америка тиббиёт қўшма корхонаси очилди.

ЖАҲОНДА

● **Бугун** Италия Президенти Оскар Луис Скальфаро қисқа амалий ташриф билан Украинага келади.

● **Бугун** Канада Бош вазири Жан Кретьен Киевга ташриф буюради. Унинг Украина Президенти Леонид Кучма билан амалий учрашувлари бўлиб ўтади. Учрашувлар чоғида бир қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилган.

● **Бугун** БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Ғарбий Европа мамлакатлари бўйлаб ташрифи доирасидаги Бельгияга расмий ташрифи бошланади. У Бельгия Қироли Альберт II томонидан қабул қилинади, мамлакат ва парламент раҳбарлари билан учрашади.

● **Бугун** Иордания Подшоҳи Ҳусайн қўшимча тиббий текширувдан ўтиш учун АҚШга келади. Маълумки, Иорданияда тахт ворисини ўзгартириш тўғрисидаги декрет чиқарилди. Ҳусайн ўзининг кичик укаси Ҳасанни тахт ворислигидан махрум этди ва катта ўғли Абдуллани тахт вориси деб эълон қилди.

● **Бугун** мустақил Озарбайжон тарихида биринчи марта аҳоли рўйхати бошланади.

● **Кеча** Москвада Россия, Қозоғистон ва АҚШ Бойқўнғир космодромидан йўлдошларни учириш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

● Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Кнут Воллебэк ҳамда америкалик юқори мартабали икки дипломатнинг Югославия Президенти Слободан Милошевич билан учрашуви самарасиз якунланди.

● **Кеча** АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Красноярск ўлкаси маъмуриятининг бошлиғи Александр Лебедь ва «Яблоко» ҳаракатининг етакчиси Григорий Явлинский билан учрашди.

● Москванинг Манеж майдонида «Ишчи ва деҳқон» ҳайкали очилди.

● Гиёвандлик туркман жамиятининг «хасталиги»га айланди, у таҳликали бўлиб бормоқда, деб баёнот берди Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов. У ҳуқуқ-тартибот тузилмаларини мавжуд вазият юзасидан назоратни кучайтиришга даъват этди.

● Арманистон, Болгария, Кипр, Россия, Словения ва Украина алоқа воситалари вакиллари Қора денгиз тубидан ўтувчи 1,5 минг километр узунликдаги оптик кабелни ўтказиш тўғрисидаги битимни имзолашди.

● **Кеча** Тирасполда Молдова раҳбарияти билан Днестрбўйи маъмуриятининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда пировард натижада Днестрбўйининг Молдова таркибида мухтор республикаси бўлишини кўзловчи ҳужжатнинг лойиҳаси муҳокама қилинди. Музокараларда Россия, Украина ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти воситачи сифатида қатнашди.

● АҚШ ва Буюк Британия авиацияси душанба куни Ироқ жанубидаги Басра шаҳрининг турар жой мавзеларини ўққа тутди. Ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар бор.

● Расмий маълумотларга қараганда 1999 йилнинг январига келиб Украинадаги ишсизларнинг сони 1 миллион 3 минг кишини ташкил қилди. Уларнинг ярмидан зиёдини аёллар ташкил этади.

● **Кеча** Рим католик черковининг бошлиғи Иоан Павел II АҚШга келди. Сент-Луисда Ватикан бошлиғи билан АҚШ Президентининг учрашуви бўлиб ўтади.

● Яқинда Венесуэла Президенти этиб сайланган Уго Чавес бу лавозимни бажаришга 2 февралдан эътиборан расман киришади.

● Молдова қуролли кучларининг сони қарийб учдан бир миқдорга қисқартирилади. Аскарларнинг хизмат муддати эса бир ярим йилдан то бир йилгача камайтирилади. Армияни ислоҳ қилиш бўйича концепцияда ана шундай дейилади.

● Колумбияда кучли зилзила бўлди. Вайронагарчиликлар ва қурбон бўлганлар бор. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда зилзила туфайли мингдан зиёд киши ҳаётдан кўз юмган.

● Австрия Альпларида юз берган автомобиль фалокати оқибатида 18 нафар венгер ўқувчилари ҳалок бўлди ва 30 дан зиёди жароҳатланди.

● Мексиканинг собиқ Президенти Карлос Салинас де Гортарининг акаси Раул Салинас де Гортари 50 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. У 1994 йили мамлакатда ҳукмрон мавқега эга бўлган инқилобий партиянинг бош котиби Руис Масьюни ўлдиришда иштирок этгани учун шундай жазога лойиқ кўрилди.

● Голландиянинг Вейк-ан-Зей шаҳрида ўтаётган шахмат бўйича турнирда ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов еттинчи турда жаҳонда учинчи рейтингга эга бўлган россиялик гроссмейстер Владимир Крамник билан учрашиб, ўйинни дуранг натижа билан тугатди. Саккизинчи учрашувда ўзбекистонлик шахматчи оқ доналар билан ўйнаган жаҳон чемпиони Гарри Каспаровга имконият бой берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси:

«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга карши каратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллукли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин».

Конституциямизнинг мазкур моддаси Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир кишига фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини бериб, халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим демократик тамойилларидан бирини ўзида акс эттиради. Ҳолбуки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 19-моддасида «Ҳар бир инсон маслак эркинлигига ва буларни эркин ифодалаш ҳуқуқига эгадир, ушбу ҳуқуқ ҳеч бир халалсиз ўз маслакларига риоя этиш эркини ва ахборот ва ғояларни ҳар қандай воситалар билан ҳамда давлат чегараларидан мустақил тарзда қидириш, олиш ва тарқатиш эркини қамраб олади», деб таъкидланган.

Маълумки, инсон ўзининг онги, фикрлай ва сўзлай олиши билан борликдаги бошқа жонивор лардан фарқ қилади. Инсон фикрлар экан жамият ривожланади. Демак, инсоннинг фикрлаш эркини асло чеклаш мумкин эмас. Ҳамма одамларни бир хил сўзлашга мажбур қилиш мумкиндир, аммо бир хил ўйлашга мажбур этишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Ҳамма бир хил сўзлаётган бўлса-да, лекин ҳар хил фикрлаётган бўлади. Қайси давлатда инсон эркин фикрлай ва сўзлай олса, ўша ерда демократия ва адолат ҳақида гапириш мумкин.

Ўзбекистонда ҳар бир инсон ўзининг иймон-ишончига асосланиб, жамият ва давлат ҳаётининг барча муаммоларига ўз муносабатини, фикрини ва қарашларини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга. Айниқса, ҳозирги вақтда янгича фикрлаш ва ишлаш давр талабига айланган бир пайтда жамиятимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, юз бераётган ўзгаришлар ва қабул қилинаётган кўпдан-кўп қонунлар, қарорлар, фармонлар ва бошқа

Конституция яшамоқда ва амал қилмоқда

ФИКРЛАШ, СЎЗ ВА ЭТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИ

меъёрий ҳужжатлар ҳақида фуқароларнинг эркин фикр билдириш ҳуқуқининг кафолатланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролар жамиятимиздаги ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга, жараёнларга ҳамда ҳужжатларга ўзларининг шахсий баҳосини бериш, ҳокимият ва бошқарув, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш муассасалари ҳамда алоҳида шахслар ва мансабдор шахслар фаолиятидаги мавжуд камчиликларни ва етишмовчиликларни танқид қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунларимизга биноан танқид учун таъқиб қилиш тақиқланади. Амалий танқидий мулоҳазалар ва таклифлар учун таъқиб қилувчи шахслар қонунга мувофиқ жазога тортилади. Дарҳақиқат, танқидни туҳмат билан, асоссиз дашномлар ёки ҳақоратлар билан аралаштириб юбориш ярамайди. Гап ҳавойи танқид устида эмас, балки амалий танқид устида бораяпти, қонунларимиз худди амалий танқидни қўллаб-қувватлайди ва қўриқлайди. Албатта, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи шахс қадр-қимматини пасайтириш, унга нисбатан туҳмат-бўҳтонлар уюштириш, у ҳақда турлича ғийбат гаплар ва нотўғри маълумотлар тарқатиб юриш ва бошқа ярамас иллатлардан ҳоли бўлиши лозим. Инчунун, бундай хатти-ҳаракатлар учун қонунларимизда тегишлича жавобгарликлар назарда тутилган.

Фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи республикамизда Конституция асосида қабул қилинган бошқа жорий қонунлар билан ҳам таъминланади. Масалан, 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда айтилишича, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок эта бориб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида ўзларига берилган ҳуқуқлар ва эркинликларни рўёбга чиқара бориб: ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб мурожаат қилишга; давлат ва жамоат бирлашмаларининг ваколатли органлари бузилган ҳуқуқларини тиклашига ҳақлидирлар». Қонунга биноан фуқароларни мурожаат қилганлиги учун таъқиб остига олиш тақиқланади. Мурожаат қилиш таклифлар, аризалар ва шикоятлар кўринишида бўлиши мумкин. Фуқаро фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланиб, мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади. Фуқароларнинг мурожаат қилиш тўғрисидаги ҳуқуқларининг асосий қоидалари юқоридаги қонунда батафсил баён қилинган.

Конституциянинг 29-моддасида мустаҳкамланган фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи фуқароларга қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда, референдумлар ўтказишда, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашда, Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият идораларига вакиллар сайлашда ўзларининг мулоҳазаларини баён қилиш ва қатнашиш имконини беради. Фуқароларнинг бу ҳуқуқи, табиийки, жамиятимизнинг демократик моҳиятидан келиб чиқади, у фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда фаол иштирок этиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир.

Маълумки, сўз эркинлиги фақат гапириш ва тинглаш ҳуқуқидангина иборат бўлмай, балки ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрдаги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эгадир.

Бироқ, юқоридагилар билан бир қаторда, халқаро ҳуқуқ қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда барча маълумотларни олиш ва тарқатиш, агар улар мавжуд конституцион тузумга қарши йўналтирилган бўлса, шунингдек, улардан инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигига, демократияга путур етказиш ва жамиятнинг манфаатларига қарши мақсадларда фойдаланмоқчи бўлган тақдирда ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш учун амалга оширилмоқчи бўлган тақдирда тақиқланади.

Конституциянинг 29-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилишича, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Шундай қилиб, фуқаролар маълумотлар қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан тўғри ва қонунларга асосан фойдаланишлари лозим. Бунда улар жамият, давлат ва бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар етказмасликлари керак. Агар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси давлат сири бўлган маълумотларни йиғиб, уни хорижий давлатларга етказиб берса, бу оғир жиноят—давлатга хоинлик ҳисобланади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 157-моддасида мол-мулкни мусодара қилиб, ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган. Шунингдек, ЖКнинг 162-моддасида хоинлик аломатлари бўлмаган ҳолда давлат сирларини ошкор қилиш ёки ўзгага бериш учун, 163-моддада эса давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисоблангган ҳужжатларни йўқотиш учун жиноий жавобгарликлар кўзда тутилган.

Хуллас, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек олий мақсадни кўзлаган Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро ўзининг бошқа ҳуқуқ ва бурчлари қаторида фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини ҳам тўлиқ англаб олиши ва бу ҳуқуқдан оқилона ва тўғри, юртимиз фаровонлиги ва жамиятимиз бахт-саодати йўлида фойдаланмоғи даркор.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан иш юритиш бугунги бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири эканлигини иш кўзини билган ҳамда ўз равнақини ўйлаган жамоалар тўғри англаб етмоқдалар. Пойтахтимиздаги М. Раҳимов номли амалий санъат тажриба-ижодий комбинатининг қўли гул ҳунармандлари ҳам янгиликка интилиб меҳнат қилаётганлардан.

Тадбиркорлик

ЯНГИЛИККА ИНТИЛГАНЛАР





Ушбу комбинатда ажойиб санъат намуналари — сополдан турли хил лаган, кўзача, чойнак, пиёла, коса ҳамда ранг-баранг манзарали буюмлар тайёрланади. Улар бу иш билан кифояланиб қолмай яна бир янгиликка қўл урдилар. Яқин кунларда комбинатда мамлакатимиздаги қурилишлар учун зарур бўлган арзон ва сифатли — том ёпиш учун ишлатиладиган — черепица ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу ишни комбинат қошида очилажак ўзбек-украин қўшма корхонаси жамоаси амалга оширади.

— Бу қурилиш материали албатта, янгилик эмас, —дейди комбинат директори Абдуғани Абдукаримхўжаев. — Аввалари ҳам бу маҳсулотдан қурилишларимизда фойдаланилган. Экологик жиҳатдан тоза ҳамда иқтисодий самарали бўлгани, энг муҳими керакли бўлганлиги боис ҳам биз бу ишга қўл урдик. Украиналик ҳамкорларимиз билан музокаралар давомида, улар бизнинг шароитларимизни ўргандилар. Мутахассисларимиз эса бир неча марта Украинада бўлиб черепица тайёрлаш технологиясини ўрганиб қайтдилар. Натижа эса 500 минг АҚШ доллари миқдорида устав фондига эга бўлган қўшма корхона ташкил этиш ҳақидаги шартнома билан якунланди. Украиналик ҳамкорларимиз ўз технологияси ва замонавий жиҳозлари билан 55 фоиз улуш қўшдилар. Шуниси эътиборлики, биз хом ашёни четдан келтирмаймиз. Маҳаллий хом ашё ёрдамида сифатли маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйишимиз эса тайёр материалнинг ҳозирда хориждан келтирилаётганидан 2 баробар арзон бўлишини таъминлайди.

Қўшма корхонада бир соатда 200 тадан черепица ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Албатта, бу унчалик катта рақам эмас. Муҳими эса унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда харидоргирлигини оширишдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, комбинатда тажрибага эга бўлган, қадимий ҳунармандчилик сирларини пухта эгаллаган уста яратувчи рассомлар, ижодкорлар меҳнат қилишади. Айниқса, Р. Муҳаммаджонов, А. Қаюмов, С. Расулов, О. Қосимжонов, С. Иванов сингари ижодкорлар яратган асарларни пойтахтимизнинг метро бекатларида, Олий Мажлис биноси, Темурийлар тарихи давлат музейи, республика биржа маркази биноларида учратиш ҳамда завқланиш мумкин. Комбинатнинг энг яхши усталари эса Тошкент, Бухоро ҳамда Самарқанд шаҳрида қадимий меъморий ёдгорликларни қайта таъмирлашда ўз ижодкорлиги билан муҳим ҳисса қўшиб келишмоқда. Айниқса, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуасини безашда рассомларнинг улуши беқиёс бўлди. Бугун уларнинг меҳнатига хорижлик меҳмонлар ва зиёратчилар ҳам тан беришмоқда.

Ҳадемай комбинат тадбиркорларининг қўшма корхона маҳсулотларини ишлаб чиқариши ҳамда уни харидорларга сотиши, албатта ўз иқтисодий самарасини бериб, жамоадаги ишларнинг янада ривожланишига, усталар ижодининг янада гуркирашига ўз улушини қўшса ажаб эмас...

Шарифа ИЛЁСОВА.

СУРАТЛАРДА: комбинатнинг фахри саналган қўли гул уста Собир Расулов яратган маҳсулотлар буюртмачиларга доимо маъқул келади; ижод намуналари; ўзбек-украин қўшма корхонасида ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот.

Шаҳримиз кўчаларида турли русумдаги автомобиллар ва йўловчилар узоғини яқин қилувчи автобусларнинг кўпайиши нур устига аъло нур бўлмоқда. Бу ўринда «Мерседес-Бенц» автобусларини айтиб ўтиш айникса ўринлидир. Бу автобусларнинг доимий йўналишда бенуксон ҳаракати учун юқори даражадаги сервис хизмати кўрсатиш ташкил этилган. Улар 8- ва 2-автосаройларда жойлашган бўлиб, энг кўп йўналишдаги автобусларнинг сўнгги бекатига қараб мослаштирилган. Биз «2-автосарой» акционерлик жамияти раҳбари Баҳодир Исмоилов билан сервис хизмати, ҳайдовчиларга ва йўловчилар учун яратилган қулайликлар ҳақида суҳбатлашганимизда қуйидагиларни гапириб берди:

Транспорт

ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР ХИЗМАТИНГИЗДА

— Энг аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мустақил юртимиз инсонлари энг юқори даражадаги барча турдаги хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқлари зарур. Шундай экан биз учун берилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, ҳайдовчиларга қулайликлар яратиб бердик. Чунки шаҳримиздаги барча автокорхоналар сингари бизда ҳам иш тонгги бешдан бошланади. Ҳайдовчиларни ишга олиб келиш учун махсус автобус ажратилган. Бунинг учун ҳайдовчи ҳисобидан ҳеч қандай маблағ чегириб қолинмайди. Айни вақтда шаҳримизда 250 та «Мерседес-Бенц» автобуслари хизмат қилмоқда. Шундан 32 таси бизнинг ихтиёримизда. Улар 11 та йўналиш асосида бўлиб қўйилган. Энг кўп «Мерседес-Бенц» автобуслари 72, 60, 10-йўналишларида қатнайди.

— Айтингчи, нима учун айнан шу йўналишларда замонавий автобуслар қатнови йўлга қўйилган?

— Саройимизда бу замонавий автобуслардан ташқари Кореянинг «ДЭУ», Венгриянинг «Икарус» автобуслари ҳам мавжуд. Йўналишлардаги қатнов тизими одамларнинг автобусларга тушиб-чиқишлари яхшилаб кузатилгач, айнан 72, 60, 10-йўналишларда серқатновлик аниқланди. Шу боис, айрим йўналишларда «Мерседес-Бенц» автобуслари кўпроқ, айримларида «ДЭУ» ёки «Икарус»лар кўп. Қандай автобус қатнашидан қатъий назар об-ҳавонинг иссиқ-совуғига қарамай хизмат даражаси талабдагидек бўлиши йўлга қўйилган.

— 1998 йил якунларидан кўнглингиз тўлдими? Янги йил режаларингиз қандай?

— Ҳа, ўтган йил бошқалар сингари, биз учун ҳам ўзига хос бўлди. Энг аввало мана шу замонавий автобусларнинг энг узуни, яъни 22 метрлиги бизнинг ихтиёримизга берилиб, йўловчилар хизматига чиқарилди.

Ҳозирги кунда жамоамизда 650 нафар киши ишлайди. Уларнинг барчаси ўз ишига сидқидилдан ёндошиб меҳнат қилади. Ўтган йилги режа 353 миллион 604 минг эди. Биз уни 382 миллион 721 минг сўм қилиб бажардик. Олинган фойда 29 миллион 117 минг сўм бўлиб, режа 108,2 фоизга бажарилди.

Янги йил режаларимиз ҳам ўзига хос. Энг аввало бор автобусларни тўлиқ йўналишларга чиқариб аҳолига намунали хизмат кўрсатишдир. Шунинг учун ҳам «Мерседес-Бенц» автобусларига сервис хизмати кўрсатишни учинчи сменада амалга ошириш, яъни барча транспорт хизматдан қайтгач, таъмирлаш ишлари бажарилади. Бундай ҳолатда ишлаш аҳолига ҳам, ҳайдовчиларга ҳам кўп қулайлик келтирар экан. Биз фақат бугунни эмас, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб иш қиламиз. Шунинг учун 32 та «Мерседес-Бенц» автобуслари учун 75 нафар ҳайдовчи Германияда ўқиб, малакасини ошириб келган. Уларнинг ҳар бири иш давомида, бир сменада 15 соатдан ишлайди. Бу борада 72-йўналишнинг сардори Александр Тараблин, Андрей Агибалов, Марат Шарафутдинов, Рустам Нуриддинов, Владимир Ивановларнинг хизматларини алоҳида таъкидласак арзийди. Режаларимиздан яна бири жаҳон стандарти талаби даражасидаги, замонавий автобуслар сонини кўпайтириш халқимизга намунали йўл хизматини кўрсатишдан иборатдир.

Суҳбатдош
Гулзода МАМБЕТОВА.

Маъданлар

ОЛМОС ВА БРИЛЛИАНТ

Олмоснинг пайдо бўлиши учун минтака ҳудудининг ер қатлами тинч, чуқурлиги 80-200 километр, ҳамда цельсийда 1100-1300 градус, 35 килобар босим бўлиши шарт. Миллиардлаб йиллар ер чуқурлигида ўзимизнинг оддий тошкўмир бошқа кўринишга — олмосга айланади. Чунки олмос ҳам кўмирнинг бошқа кўринишидир. Агар сиз олмосни ёқсангиз, ундан фақат оддий кул қолади, лекин у энг қаттиқ материал ҳисобланади (МООС шкаласи бўйича 10 баллга тенг). Олмос сўзи — енгилмас, енгиб бўлмайдиган, зўр, кучли маъносини билдиради. У асосан Ҳиндистон ҳамда Жанубий Африка Республикасининг Кимберли шаҳталаридан қазиб олинади. Россиянинг Ёқутистонида ҳам олмос бор. Олмос қазиб олиш энг машаққатли меҳнат сарф қилинадиган ишдир. Лекин олмос табиатда унчалик кўп эмас.

Олмослар «Тавернье қоидаси» бўйича баҳоланади. Бир каратли олмос ўртача 100 грамм соф олтин баҳоси нархига тенг (олтиннинг халқаро баҳоси ҳисобида). 2 каратли олмос, бир каратли олмосга қараганда 3 марта, 3 каратлиги эса бир каратли олмосга нисбатан 10 марта қиммат туради. 10 каратли олмос бир каратлигига қараганда 100 марта қиммат туради. Олмоснинг оғирлиги 25 карат ва ундан юқори бўлганида унга ном берилади ва олмос каталогига киритилади. Бу аниқ, ҳаётий далиллардан ҳам кўриниб турибдики, қазиб олинаётган олмосларнинг оғирлиги 25 каратдан кам. 25 карат ва ундан юқори оғирликдаги олмослар жуда ноёб ҳисобланиб, табиатда кам, фақат тасодифан учраб қолади. Инсоният тарихида энг катта олмос Жанубий Африка Республикасининг ҳудудида 1905 йили қазиб олинди. Унинг оғирлиги 3106 карат бўлиб, унга «Куллинан» номи берилди. Кейинроқ бу олмосдан 9 та йирик ҳамда 96 та майда бриллиантлар тайёрланди. Бу «Куллинан» олмосининг нархи 188000 килограмм соф олтинга тенг эди.

Олмосни тарашлаб, силлиқлаб, унга кўплаб қирралар берилгандагина у бриллиантга айланади. «Бриллиант» — бу тарашланган қиррали олмос деган маънони билдиради. Бриллиант халқ орасида ярқироқ деган маънода ҳам юради. Бриллиантни фақат олмосдан эмас, бошқа ҳар қандай бошқа қимматбаҳо тошлардан — сафсар, марвариддан ҳам тайёрлашади. Бриллиант асосан 18 дан 57 тагача қиррага эга бўлади. Бу қирраларни оддий усул билан қўлда тарашланса камида 2 йил вақт керак бўлади. Кўргазма ва музейлардан ўрин оладиган ноёб, машҳур бриллиантлар ўрнига кўпинча худди ўзидек ясалган сохта бриллиантлар қўйилади. Бу сохта бриллиантларни кўпинча тоғ биллури, катта оддий ойнадан ҳам ясаш мумкин. Бу сохта бриллиантни кўз билан ҳақиқийлигини билиб бўлмайди. Уни фақат мутахассислар аниқлайдилар. Бу ишлар турли ўғрилардан ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади, асллари эса махсус сейфларда сақланади. Энг катта бриллиант «Куллинан-1» ёки «Африка юлдузи» ҳисобланиб, унинг оғирлиги 530,2 карат бўлиб, 72 та қиррага тенг. Жаҳонда энг сифатли, шаффофлиги, тиниқлиги; қайтарилмаслиги, кўриниши билан бир-биридан фарқ қиладиган асосий бриллиантлар: 1. «Улуғ Мўғул» — 279 карат. 2. «Кўҳинур», янги тарашлангандан кейин — 106 карат. 3. «Орлов» — 190 карат. 4. «Флорентиялик» — 133 карат. 5. «Санси» — 53,33 карат. 6. «Регент» ёки «Питти» — 137 карат. 7. «Кўҳинур» — олдинги тарашланган ҳолида — 186 карат. 8. «Жануб юлдузи» — 125 карат.

Агар бу таснифга аҳамият берсангиз, бриллиантнинг нархи унинг оғирлигига эмас, балки кўриниши, қирраларининг кўплиги, тиниқлиги, товланиб туриши ва бошқа табиий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шоҳ Бобурнинг ўғли Ҳумоюн Ҳиндистондаги рожанинг ҳузурига қўшини билан кирганда шу рожанинг кекса онаси Ҳумоюн олдига келиб қўлидаги бриллиантни унга беради ва Ҳумоюндан уларни тинч қўйишни жуда қаттиқ илтимос қилади. Ҳумоюн кампирдан бриллиантни олиб унинг илтимосини қондиради.

Энди бриллиантнинг нархига келсак, бир каратли юмшоқ бриллиант 15000 долларгача, 2 каратлиги — 25000 доллар, 5 каратлиги камида 55000 доллар туради. Бриллиантнинг оғирлиги 6 каратдан ошса, ким ошди савдосида сотилади. Бу нархлар фақат табиий, юқори сифатли олмосларгагина тегишлидир.

Ҳозирги кунда жаҳонда кўплаб сунъий олмослар кенг микёсда ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг ҳажми кичик бўлганлиги учун заргарлик буюмлари учун ишлатилмайди.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Пойтахтимизнинг Афросиёб ҳамда Нукус кўчалари чорраҳасида «Ўзуйжойжамғармабанк» буюртмасига кўра қурилаётган 9 қаватли 2 та турар жой биносида бугунги кунда охирги пардозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Қурилиш

ЯКУНЛАНИШ АРАФАСИДА

Ҳар бири 36 хонадонга мўлжалланган 1- ва 2-уйларни бунёд этишда бош пудратчи 1-уй-жой қуриш комбинатининг 26- қурилиш бошқармаси қурувчилари ғайрат кўрсатишди. 72 хонадон истиқомат қиладиган бу уйларнинг ҳар бири тўрт хонадан иборатлиги ўзига хос хусусиятларидан биридир.

— Асосий қурилиш-тиклаш ишларини ўтган йилнинг май ойларида бошлаган эдик, — дейди ишбоши Олимжон Усмонов. — 3 бригадага бўлинган 50 дан ортиқ қурувчимизнинг саъй-ҳаракати ҳамда ёрдамчи қурилиш ташкилотларининг кўмаги туфайли уйларни хонадон эгаларига ўз вақтида фойдаланишга топширишга эришаётганимиздан биз ҳам мамнунмиз. Уй-жойларни бунёд этишда етарли тажрибага эга бўлган қурувчиларимиз тез ва соз ишлашга эришганликларини, бунинг боиси эса қурилиш материалларининг вақтида етказиб берилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Айниқса, Шуҳрат Улуғхўжаев, Қаюм Шерқўзиев, Тўхта Маматниёзов сингари бунёдкорларимиз бор тажрибаларини меҳнатда намойиш этишди.

Албатта, бунёдкорларга техника воситалари билан яқиндан кўмак берган 2-ҳамда 3-механизация бошқармаси кўтарма кран машинистлари Нина Фёдорова ва Ҳуснидин Ғуломовларнинг ҳиссалари салмоқлидир. Шунингдек, пардозлаш ишларини якунлаш арафасида турган 2-қурилиш бошқармасининг тажрибали бўёқчи, сувоқчи, дурадгорлари вақтдан унумли фойдаланмоқдалар. Чунки ўз уйларининг тахт бўлишини 72 хонадон аъзолари умид билан кутишаётганлигини улар дилдан ҳис этишмоқда.

Келгуси ойнинг бошида бу уйларда уй тўйлари нишонланади.

Шарофат БАҲРОМОВА.

Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз — «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир.

«Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди.

Ислом КАРИМОВ

Мозий

«АВЕСТО» ОДОБ-АХЛОҚ ҲАҚИДА

Ҳа, дунёдаги энг қадимги ёзма манбалардан бири «Авесто» ҳисобланиб, Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврдаги тарихи, турмуши, урф-одатлари, динлари, маънавий қаёти ҳақида жуда қимматли маълумотлар беради.

«Авесто»да Марказий Осиёдаги жуда кўп жойларнинг номлари қайд этилган. «Авесто» асари ўгитномага ўхшаб кетади. Ундаги воқеалар ниҳоятда ҳаётий тасвирланган. Воқеалар содда, мазмунли, маъноли ва ниҳоятда таъсирли қилиб берилган. Мантиқнинг имкониятларидан кенг фойдаланилган. **«Тарбия**, — дейилган «Авесто»да, — **ҳаётнинг энг муҳим (таянчи) тиргаги бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқишни ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин».**

Тарбияли бола ҳар нарсага қодир. Энг аввало интизомли бўлади. Интизом бор жойда муваффақият бор. Интизом зафарлар калити, ҳамма эзгуликларнинг асосидир. Ёшларнинг меҳнат малакасини ошириш, ҳунарга ўргатиш кони фойдадир. Табаррук китобдаги мазкур вазифаларнинг аҳамияти бугунги кунда тағин ҳам ортди, чунки ёшлар келажагимиз. Келажакда буюк давлат қураётган халқнинг диққат марказида, болаларга эътибор биринчи даражали масалага кўтарилмоғи даркор. Болаларнинг тарбияси ёшлигидан йўлга қўйилмас экан, катта бўлганидан кейин ҳам уни ўзгартириш мушкулдир. Ёш ниҳоллигидан эҳтиёткорлик билан парваришлаш керак. «Бола бошидан» деганларидек, ёшлигидаги тарбия бошқача ва таъсирли бўлади. Ана шу ғоялар «Авесто»да қойилмақом қилиб, ниҳоятда таъсирли ва асосли қилиб тасвирланган. **«Болалар,** — дейилган мажмуада, — **ёш пайтиданоқ дарахт кўчати ўтқазиш, уйрўзғор қуроллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт».** Шу илоҳий китобда, юқорида номлари зикр этилган юмушларни бажариш шарт қилиб қўйилган, мажбурий воситаларга айлантирилган.

Меҳнат доимо улуғланиб келинган, чунки меҳнат барча бойликларнинг асоси, ҳамма тўкинчиликнинг сабабчиси, бутун ноз-неъматларнинг яратувчисидир. Меҳнат инсонни безайди, унга шон-шуҳрат, обрў олиб келади. Меҳнат энг аввало жуда катта тарбиявий воситадир. **«Яхшилик,** — дейилган илоҳий китобда, — **меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши лозим».** Аксинча меҳнат қилмаётганлар танқид остига олинган, улар энг паст одамлар қаторига қўшилганлар. Айни вақтда дангасалардан бараканинг қочиши уқтирилган. **«Меҳнат қилмайдиган одам,** — дейилган «Авесто»да, — **сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида ёт эшикларга таъзим қилиб (этиб), абадул абад бош эгиб турасаксан».** Ҳақиқатан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган тўқ-фаровон яшаётган хонадонга насиб этади. Абадул-абад шундай бўлажак! Табиат неъматларидан моҳирона фойдаланиш «Авесто»нинг бош мавзуларидандир. Бизнинг (қир-адирларимиз) юртимиз қир-адирлари ястаниб ётган чорвабоп яйловларга сероб. Ердан фойдаланишда ҳам аждодларимизнинг маҳоратлари қойил қолдирмоқда. **«Инсон,** — дейилган «Авесто»да, — **чорванинг кўпайишига, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва суғориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилгандагина, худо ёки унинг ёрдамчисининг иноятига ноил бўлғусидир».** Илоҳий китобнинг ҳикматларидаги маънонинг чуқурлигига қойил қоласан. Айни вақтда мазкур жумлаларни ўқиб, беихтиёр она диёримизнинг сарҳадлари кўз ўнгингдан ўтади. Бундан ташқари бизнинг бобокалонларимизнинг деҳқончилик маданияти ниҳоятда қадимий эканлигидан далолат бераяпти. Улар минг-минг йиллар муқаддам суғориш маданиятини ўрганиб, катта маҳорат эгаси бўлганлар. Мустақилликка эришган ватандошларимизга «Авесто»даги ўгитлар малҳамдек фойдали, ибратлидир. Унда жуда кўп қаётий ҳодисалар ўринли тасвирланган. Аждодларимизнинг фаҳм-фаросатларидан лол қоласан. Табаррук китобда ҳаётий лавҳалар шундай маҳорат билан тизилганки, беихтиёр ўйга толдиради, лол қолдиради. Бунинг ҳаммаси аждодларимизнинг катта салоҳият эгалари эканлигидан далолат беради.

Улар ҳаётга, турмушга ўта синчковлик билан қараб, ўта зийракликларидан далолатдир. Мана, эътибор беринг. **«Порсо, инсон,** — дейилган шу китобда, — **уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотин ва фарзандларига, подаларига ўрин ажратиб берса, ем-ҳашаги кўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса, уйида ноз-неъматлари муҳайё бўлиб хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйида эътиқод, собит олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил муҳтарамдир!»** Китобда тўкин-сочинлик ноз-неъматларнинг асоси, астойдил меҳнат ва ерга ҳамда чорва молларига муносабатларнинг боғлиқлиги маҳорат билан тасвирланган. Бизнинг халқимизнинг ривоятлари кўп, чунки тарихи узун халқнинг урф-одатлари, анъана ва удумлари узоқ-узоқлардан оёқланиб, асрлардан-асрларга ошиб, тарих синовларидан эсон-омон ўтиб, тобланиб, сайқалланиб, жилоланиб келаяпти. Ундаги ривоятларда маъно сероб, мазмун чуқурдир. Ривоятларнинг салмоғи бақувват, тийран, ҳаётийдир. «Авесто»да ҳам ана шундай мазмунли ривоятлар ўз аксини топган. **«Буғдой ўстирила бошланса,** — дейилган «Авесто»да, — **девларни қора тер босади, совурилган буғдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади, ун тайёр бўлгач эса девлар нола-фиғон чекишади. Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим. Бу овқатни егандан (кейин) сўнг улар жуда ғазабланиб кетади ва қоча бошлайди».** Ривоят ривояту, аммо юқоридаги тафсилотларда маъно катта, мазмун мўл. Буғдой — бу ризқ, инсон насибаси, яъни одамзот учун энг зарурий ва ҳаётий ашё. Гўштсиз кун кечиришингиз мумкин, ширинликларсиз ҳам ҳаётингиз ўтади, аммо нонсиз бирор кунингиз ўтмайди. Бунинг устига бошқаларини ҳар доим тановул қилавермайсиз, кўнглингизга уради. Нон эса ҳеч қачон жонингизга тегмайди. Нонсиз овқат томоқдан ўтмайди. Фақат ноннинг ўзи бўлса ҳам сизни очликдан ҳалос этади ва ҳеч қачон меъдангизга урмайди. Шунинг учун нон улуғ, нон табаррук, инсон учун энг керакли ва зарур ашёдир. Боболаримиз шунинг учун уни илоҳийлаштириб, ҳатто балоларни ҳайдовчи балогардон, ёвузликни қувувчи илоҳий куч деб қараганлар. Улар мутлақо ҳақ ва ниҳоятда тўғридир. **«Озиқ-овқат яхшиланиши билан,** — дейилган «Авесто»да, **халқнинг ахлоқ-одоби ҳам кучаяди».** Ахлоқ-одобдаги кучайишлик уларнинг тарбиялиликларини оширади. Ҳа, тарбияли одам кўп нарсаларга қодир. Тарбиясиз эса балоларнинг конидир. Тарбиясизлар ҳар қанақа пасткашликлардан қайтмайдилар. Уларга туҳмат-бўҳтонлар оддий ҳодиса. Тор манфаати учун ҳамма ярамасликлардан қайтмайди. Аммо яхшилар кўп. Улар кўп бўлган. Яхши кун кўришга ҳаракат қилганлар. **«Яхши кун кўриш учун даркор бўлган нарсалар,** — дейилган китобда, — **мўл-кўлликдир».** Мўл-кўлликнинг асоси меҳнат. Дарҳақиқат, меҳнат туфайли ерлар унумли, баракали бўлади. Меҳнат натижасида ер ўз хазиналарини очади. Барча бойликларнинг ҳам, ихтирою кашфиётларнинг асосида меҳнат ётади. Меҳнат туфайли одамзот обрў топади, шон-шарафга бурканади. Меҳнат ижодкорларнинг ҳам маҳсули асосини ташкил этади. Меҳнатсиз на бирор асар яратилган, на бирорта улуғ иш қилинган. Ҳамма-ҳаммасининг тагида меҳнат ётади. Каналларда сувларнинг равон оқишида инсон меҳнатининг сараси ётади. Ана шу қаёт шарбати еру кўкни безайди, боғу роғга буркайди, ноз-неъматлар хазинасига айлантиради. Ана шу ҳолат буюк китоб «Авесто»да қойил қоларли даражада қайд этилган. **«Ўт-ўланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган,** — дейилган илоҳий китобда, — **сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ердир».** Жуда тўғри, бу ҳолатни бизнинг юртдошларимизга таърифлашнинг ҳожати йўқ, чунки уларнинг ўзлари бунга жонли гувохдир. Ана шу нарсаларнинг ҳаммасини табиатнинг ноёб бойликлари дейميз. Инсон учун зарур бўлган мазкур ашёлар, ноз-неъматлар «Авесто»да илоҳийлаштирилган. **«Инсон,** — дейилган «Авесто»да, — **бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, уруғ ва дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир».** Ҳа, табаррук китобнинг бетакрор ҳикматларидан мазмун каттадир.

«Авесто»да одамийлик, инсон бахт-саодати учун кураш юқори пардада куйланган. Одамларни ҳимоя қилиш, уларни ардоқлаш, унларни улуғлаш «Авесто»нинг диққат-марказида бўлган. Мана эшитинг: «Авесто»да одамзот куйланаяпти: **«Яхши фикр, илоҳий қонун руҳидаги, яқин кишига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, ёвузликка қарши, кишилар бахт ва саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда ўз маслакдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамжамиятликда яшашга интилиш руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилади. Инсон ўз фикр-хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди. Чунки бундай ҳолатда у яхши ниятни йўқотади, бурч ва адолатни унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади».**

Адолат, ҳақиқат доимо инсоннинг диққат-эътиборида бўлган. Ҳақиқатнинг мезони тўғрилик, аниқлик, ҳалолликдир. Шунинг учун ҳақиқат мадҳ қилинган. Мана эшитинг: **«Ҳақиқат,** — дейилган «Авесто»да, — **энг олий неъмат» жуда тўғри хулоса, аниқ ажримдир.** Умуман «Авесто» дуру жавоҳирлар хазинасидир. Унинг бетакрор ўгитлари, сермаъно пандлари, боқий насиҳатлари ниҳоятда ҳаётийдир, яшовчандир... «Авесто» ҳикматларининг мазаси тотли, ранглари мунаввар, ҳидлари муаттардир. Унинг ҳаётбахш неъматлари инсониятга яна ҳам беминнат хизмат қилиб, уларни маънавий бойитаверади.

Мусоқул УСМОНОВ,
Тошкент Молия институти профессори.

Ҳар бир мурғак қалбнинг интилиши, теварак-атрофга қизиқиш билан қараши аввало оиладан, ундаги муҳит таъсиридан бошланади. Гулноздаги илмга чанқоқлик, янгиликка интилувчанлик, айниқса, хорижий тилларни мукаммал эгаллашга бўлган иштиёқ ҳам айнан оила, ота-она туфайли шакллана борди.

Президент стипендияси совриндорлари

ТИЛ БИЛАН ТИЛЛАШИБ

— Оила аъзоларимиздаги хорижий тилларга бўлган қизиқиш, уларнинг илмий ишларини варақлаб боришим чет тилларини ўрганишга интилишимни орттирди, — дейди Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университети хорижий филология факультетининг 5-курс талабаси, Президент стипендияси совриндори Гулноз Кароматова. — Болалик давримданоқ ота-онамнинг китобларини бир-бир варақлардим. Бунинг натижасида жуда кўплаб бирбиридан мураккаб саволлар туғиларди. Кўпгина саволларга жавобларни мактабдан топдим. Университетда эса мактабдан топган жавобларимни янада тўлдириш, уларнинг янгидан-янги қирраларини очишга ҳаракат қилиб чуқур илм олишга интилдим.

Дарҳақиқат, илм гўёки уммонга ўхшаш нарса бўлади. Унга қанчалик кўп интилсангиз шунчалик бири иккинчисига ўхшамаган, аввалгиларидан тубдан фарқ қилувчи тўлқинлари юзага келаверади. Мана шу тўлқинлар зарбига дош бериш ҳар бир одамдан матонат ва тиришқоқликни талаб этади. Гулноз ҳам ўзининг интилувчанлиги, фан оламининг сирга бой қирраларига қизиқиш, ҳайрат билан боқиши, уларни ўқиб-ўқиб олиши натижасида Ойдин Абдуллаева, Санжар Давлатов, Нодир Йўлдошев, Гулчеҳра Ҳошимова сингари тенгдошлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндори бўлди.

Факультетнинг энг аълочи талабаларидан бўлган Гулнознинг шу кунгача бешта илмий ва оммабоп хусусан, «Ватанни севмоқ иймондандир», «Озод демократик жамиятда таълимнинг роли» сингари мавзулардаги бугунги кунинг ўта долзарб, муҳим масалаларини қамраб олувчи мақолалари чоп этилди. Инглиз ва немис тилларини мукаммал билувчи Гулноз фақатгина тил билиш билан чекланиб қолмай, компьютер сабоқларини, унинг сир-асрорларини ҳам тўла эгаллаган. Шунингдек, у 1998 йилда ЮНЕСКО кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича ҳужжатларини таржима қилди.

Тил билган эл билади, деб бежиз айтилмаган. Тил халқларни бирлаштирувчи кўприкдир. Жумладан таржима ҳам халқларни бирлаштиради. Ана шуларни тўла идрок этган Гулноз Кароматова улуғ инглиз ёзувчиси Шекспир асарларида унинг тил ибораларини ўта нафис ва бой эканлигини ҳисобга олиб «Шекспир комедияси ўзбек тилида» мавзуида илмий иш ёзиш ниятида.

Ҳаёт, тараққиёт тўхтовсиз давом этади. Шу боисдан Гулноз Кароматова ҳам ўзининг университетда олган пухта билими, эгаллаган илмлари билан чегараланиб қолмоқчи эмас. У ўз мутахассислиги бўйича дипломни қўлга киритгач ўқишни аспирантурада давом эттириш истагида. Биз ҳам Гулнозга барча ишларида омадлар тилаб, унинг етук билимдон бўлишини истаб қоламиз.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

«Ўқитувчи» нашриёти шоира Шарифа Салимованинг «Гиёҳлар билан тиллашган инсон» китобини нашрдан чиқарди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг тажрибахона мудири, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, биология фанлари номзоди Каҳҳор Ҳожиматов ҳақидаги бу илмий-бадиий рисола «Мукаддима» ҳамда «Гандумчош бағридаги болалик» деб сарлавҳаланган бўлимдан ташқари, ҳар бири «Каҳҳор Ҳожиматов кундалигидан» деб аталган «Табиат-табобат», «Арпабодиён», «Бўймадорон», «Далачой» ва «Дил изҳори» каби қатор бўлимлардан ташкил топган.

«Улуғ табибларнинг аждодлари ўз меҳнатлари, фидойиликлари ила ХХ аср дардларига ҳам даво топишга уриндилар, — дейилади китоб муқаддимасида. — Бутун умри давомида гиёҳлар билан тиллашиб келаётган камтар олим Каҳҳор Ҳожиматов ҳам ана шундай инсонлар сирасидандир».

Матбаа

ГИЁҲЛАРГА БАХШИДА УМР

Бу олим ўз соҳасининг билимдони бўлган самимий ва дилкаш инсондир. Илмий-бадиий рисоланинг «Гандумчош бағридаги болалик» деб номланган қисмидаги Каҳҳор Ҳожиматовнинг устозлари даврасидаги: «Мен доривор ўсимликлар ва эфир мойли гиёҳларнинг хусусиятларини ўрганишга қизиқишим катта. Бу болалик орзуим», — деган сатрларни ўқир эканман, табиатнинг чинакам шайдоси бўлган олимнинг ўз иқбол, истиқбол йўлини олдиндан қатъий белгилаб олганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Агар китобдаги «Каҳҳор Ҳожиматов кундалигидан» деб номланган сарлавҳалар остида олим томонидан кийикўт, равоч, тоғтурбид сингари биз билган ва билмаган гиёҳларнинг шифобахшлик хусусияти, қандай хасталикларга даво бўлиши ҳамда ишлатиш йўл-йўриқлари баён этилса, «Каҳҳор Ҳожиматовга келган хатлардан», «Гулхайри» ва «Жамбил» деб аталган, шунингдек бошқа сарлавҳалар остида берилган маълумотларда «Сафро ҳайдовчи Ҳожиматов йиғмаси» махсус халтачаларда биринчи марта истеъмолга чиқарила бошлагани, олимнинг умр йўлдоши унга елкадош бўлганлиги алоҳида таъкидланади. «Китобнинг дил изҳори» қисмида олим китобхонларга қарата шундай ёзади: «Сизга истагим шудурки, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, кучли ирода, омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин».

Музаффар ТУРОБ.

Қатра

ТОШ ҲАЙКАЛ

Тоғ бағридаги бир тўп хонадон аҳли сувсизликдан азобда. Ҳовлилари хунук: дарахтсиз, гулсиз.

— Бағрингдаги битта булоқни менга айтақол, — тоққа ёлворди хонадон соҳиби.

— Одамларга феълинг кенг бўлса, тилагингга етурсан, — деди тоғ.

Соҳиб: «Булоқни ундириб олай, кейин ўзим биламан», деган фикрини яшириб, «қўшниларим жону дилим, бир томчи зилолингни ҳам бўлиб ичамиз», дея тоғ кўнглига йўл топди.

Тоғ гўдагига ийган онадек қақроқ хонадонга булоқ сувини тутди. Тез орада ҳовлисидаги гул, райҳонларнинг хушбўй иси гуркираб кетди. Соҳиби бундан шод. Қўшниларининг болалари челак кўтариб чиқаверишидан эса кўнгли хира. Уларга рўйхуш бермай, қовоғини уяди.

— Бу менинг булоғим. Хира бўлманглар, — деди охири жаҳли чиқиб.

— Сув сизга етиб ортаяпти-ку.

Хонадон соҳиби буни эшитса ҳам эшитмаганга олди. Чунки зиқналиги, жаҳлининг зўридан қулоғи кар, тили соқов. Болаларга аччиқ қилиб, булоқ кўзига тош қўйди. Инқиллаб келтирган тоши чоғроқ эмасми, ёнидан сув сизиб чиқаверди.

«Бу феълинг кўпларга ибрат бўлсин», дея тоғ бир катта тошни бағридан думалатиб, булоқ кўзини маҳкам беркитди. Булоқ ер остида ҳаракатдан тўхтамай, қўшни ҳовлида кўз очди.

— Сира тортинмай ташийверинглар. Ҳаммамизга етиб-ортади бу обиҳаёт, —деди қўшни челак кўтариб келганларга.

Сувсиз қолиб, ҳовлисининг кўркидан айрилган хонадон соҳиби эса қўшнисиникидан ичишгагина сув ташир, ҳар сафар ўз ҳовлисидаги катта тошга кўзи тушганда ундан: «Одамлардан тайёр сувни қизғандинг. Қаттиқ зиқналигингга тош ҳайкалман», деган маънони уқарди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.



Тоғларда қиш.

Гўзал нарса бизни ҳамиша завқлантиради, ёрқин ҳис-туйғулар уйғотади, кайфиятимизни чоғ қилади.

Гўзаллик бехисоб, у турли хил кўринишларда намоён бўлади. У қарийб барча нарсаларда, воқелик ҳодисаларида, ижод маҳсулида намоён бўлади, шу сабабли ҳам унга бир хилда таъриф бериш қийин.

Муносабат

СЕВГИ ГЎЗАЛЛИКНИ СЕВАРМИШ ФАҚАТ

Табиатдаги, жамиятдаги, кишининг ижодий фаолиятидаги, одамларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларидаги ҳамма ижобий воқеаларни — бизда қувноқ ҳистуйғу пайдо қилувчи, меҳнатда ёрдам берувчи, кайфиятни кўтарувчи, бизни олижаноб ишларга илҳомлантирувчи омилларнинг барчасини бир сўз билан гўзаллик, деб аташ мумкин.

Санъатдаги гўзаллик ҳам ҳаётдаги гўзаллик каби кўп томонламадир. Санъат табиат ва инсонни юксак бадиий формада акс эттирса, у гўзал бўлади.

Мусиқа дунёси шундай сеҳрли оламки, унга қадам қўйган кишини қандайдир кўзга кўринмас ишлар чамбарчас боғлайди. Энди у бу оламдаги ранглар жилвасини маълум бир шаклга солишга ҳаракат қилади. Қарабсизки, кишини ҳаяжонга соладиган дилбар куй яралади.

Гўзал олам шундайгина кўз ўнгимизда бор латофати билан намоён, бунинг учун теварак-атрофни диққат билан кузатишнинг ўзи кифоя. Булутлар орасидан кўриниб турган мовий осмон, булутларнинг ажиб бир жилоси, кўм-кўк ўтлоқ, ундаги чўғдек товланиб турган ранг-баранг гуллар, кун ботишдаги қуёшнинг тарам-тарам олтин нурлари...

Санъатдаги гўзаллик ҳам ҳаётдаги гўзаллик каби кўп томонламадир. Санъатда гўзаллик яратиш учун кўп нарса билиш, атрофимизни қуршаб олган табиат гўзалликларини чуқур ва нозик ҳис этиш, ўз ишига ижодий муносабатда бўлиш лозим. Гўзалликка бефарқ қаровчи одамнинг топилиши қийин. Гўзаллик айниқса ёшлик, ўспиринлик давридан, шахснинг маънавий дунёси таркиб топиши жараёнида кўпроқ мафтун этади. Шу туфайли ҳам театр ва киноларда, концерт ҳамда кўргазмаларда кўпинча ёшларни учратишимиз тасодифий эмас. Ёшлар санъатдан ўзларини ҳаяжонлантирувчи саволарига жавоб топишга интиладилар. Инсон ўз табиатига кўра санъаткордир. У гўзалликдан маънавий озуқа олибгина қолмай, уни ўз қалбида яратишга ҳам ҳаракат қилади.

Мусиқа одамнинг кайфиятига жуда катта таъсир кўрсатади. Дейлик, бир шўх қўшиқ эшитсак кайфиятимиз кўтарилиб, қилаётган ишларимиз ҳам унумли бўлади. Найда ёки гижжакда чалинган оғирроқ куйлар бўлса хаёлларга чўмиб қоламиз. Ўтган, бўлиши керак бўлган нарсалар тўғрисида ўйланиб қоламиз. Гўзаллиги, илоҳий кучи билан кайфиятимизга ҳам ўзига хос таъсир кўрсатиб туради.

Най навосини эшитганда юриб кетаётган жойида тўхтаб эшитадиган ёки бўлмаса очилиб турган гулга ҳайрат билан боқадиган одамлар бор. Лекин шундай одамлар ҳам борки, уларни най навоси ҳам, гўзал гул ҳам ҳайратга солмайди. Бундай одамларни лоқайд, ҳиссиз одамлар, деб биламиз. Нега биз болаларимизни ёшлигидан мусиқа ва санъат билим юртларига, санъат саройларига олиб борамиз, мусиқани ўргансин, шунга яқин бўлсин, деймиз. Чунки мусиқани тушунган инсон ҳеч қачон ёмон ишларга қўл урмайди.

Мусиқа ва гўзаллик уйғун тушунчалардир. Қўшиқда сўз ва товушларнинг бирбирига мос келиши орқали яралган гўзалликдан инсон ақл-идрокига, хиссиётига кучли таъсир этади.

Мусиқа ва гўзаллик... Гўзаллик ва мусиқа...

Ҳаётий мушоҳада юритиб, мусиқа ва гўзаллик ҳақида жўялироқ фикр юритадиган бўлсак, бу ҳар иккаласи данакнинг қўш мағзига ўхшайди. Аслида ҳам шундай, гўзаллик бор жойда мусиқа бор. Мусиқа бор жойда гўзаллик бор.

Инчунун, табиат ўзи гўзалликдан, демакки, мусиқадан иборат бўлиб, бир бутун дунёни ташкил этади. Аслида биз гўзаллик ва мусиқа оғушида яшаймиз. Инсон руҳий оламини бойитадиган ҳар қандай мўъжизада гўзалликда мусиқа, оҳанг уфуриб туради. Табиатнинг ҳар қандай бўлаги — гул, майса ёхуд оху, қолаверса ҳар қандай санъат асари: айтайлик — шеър, сурат ва ҳоказолар бўлмасин, ҳар бирида мусиқа бор. Мусиқа гўзалликдан туғилади.

Айтайлик, ҳаёл ва изтироблар оғушидасиз. Қалбингизнинг қай бир жойини «дард» жиз-жиз ёндиради. Беихтиёр радиодан мумтоз куй ёки қўшиқ янграб қолади. Ўшанда дардингизга шифо топгандай енгиллашасиз, куйми, қўшиқми — изтироблардан қалбингизни фориғ айлайди. Аслида дардли оҳангларда ҳам гўзаллик бор.

Ўсма япроқларин чимчилайди қиз,
Эҳзозлаб суртмоққа уни қошига.
Димоғин қитиқлар райҳону-ялпиз,
Ранг излар у бунда севги ёшига.

Ҳазил қилдим: — Қошинг зулукдай қора,
Ажабо ўсмага бормикан ҳожат?!
Шунда кулиб жавоб қилди дилдора,
— Севги гўзалликни севармиш фақат!

Гўзал ХОЛИКОВА.

Хорижда

ИСРОИЛ ДАСТУРИ «ОЛОВЛИ ДЕВОР» ТИЗИМИДА

Жаҳондаги икки йирик компьютер компаниялари «IBM» ва «СИСКО» ҳозир бозорда амалга ошираётган компьютерларни ҳимоялаш бўйича дастурлар пакетига Исроил дастурини киритишди.

«IBM» компьютер мажмуаларини, «СИСКО» эса Интернетда коммуникация тармоқларини сотишда Исроил дастуридан фойдаланишади.

Шундай қилиб, икки концерн томонидан пакетга жорий қилинган «оловли девор» номини олган тизимга тааллуқли дастур компьютерлар ва коммуникациялар тармоқларини дастурлашнинг муайян тили ёки «югурма кодлаштириш» деб аталган тизимни қўллаб, адоват билан киришдан ҳимоя қилади.

Исроилнинг «Финжан» компанияси ишлаб чиққан «Спрингейт 4.0» дастури «IBM» концерни дастурлар мажмуи ҳамда «СИСКО» концернининг «Фикс» дастурлар туркумига киритилади, бу «оловли девор» тизимидаги мавжуд заиф жойларни йўқотиш имконини беради. Аввал узоқ масофадан берилган сигнал бўйича компьютер мажмуалари ва Интернетдаги коммуникация тармоқлари ичидан таъсир қилиш ва уларни тўлиқ ишдан чиқариш эҳтимоли мавжуд эди.

ЯНГИ УСЛУБ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Вейцман номидаги институт ва Феружи университети (Италия) олимлари томонидан ишлаб чиқилган янги услубият қон раки билан касалланганда хатто донор ва бемор хужайралари мос келмаса ҳам суяк илиги ўтказиш имконини беради. Исроил, АҚШ ва Германиядаги қатор шифохоналар янги услубиятни қўллай бошлади.

Профессор Яир Райзнер ва профессор Мессимо Мартелли бошчилигидаги олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари «New England Journal of Mediecine» тиббий журналининг охирги сонида босилиб чиқди. Шифокорлар тажрибада қатнашаётган 43 беморни бошқа кишидан ўтказилган ҳужайралари сингиб кетишига эришдилар. Улардан 12 киши қон ракидан тузалди.

Тадқиқот жараёнида беморга қариндошларнинг биридан олинган катта миқдордаги суяк илиги ўтказилди. Уларда ҳужайраларнинг фақат 50 фоизигина мос келади. Бунда олимлар Вейцман институтида ўтказилган тадқиқот натижаларига таянишди, уларнинг кўрсатишича, қон томиридаги қон ҳужайралари пайдо бўлишига ёрдам берадиган найча ҳужайралари трансплантантнинг битмаслик реакциясини йўқотишга қодир.

Суяк илиги суякнинг юмшоқ моддасидаги тўқима бўлиб, авваламбор қизил ва оқ қон таначалари ва тромботик ҳужайралар пайдо бўлишига жавоб беради. Суяк илигини ўтказиш зарур бўлган беморлар (қон раки, иммунитет танқислиги, оғир шакл-даги апластик камқонлик ва бошқа касаллик билан касалланганлар)нинг атиги 40 фоизида яхши донор топилади. Одатда бу бир хил тўқимага эга акаукалар ёки опа-сингил бўлади. Қолган 60 фоизида оилада тегишли донор топилмайди ва улар учун трансплантантни четдан излашга тўғри келади.

«ШАЛОМ» КАНАЛИ ЕВРОПАДА

Франция телевидениеси раҳбарияти ва исроиллик инвесторлар Европада «Яҳудийлар Европа телевидениеси» номи билан танилган, расмий номи «Шалом канали» бўлган янги кабель телевидениеси каналини очдилар.

Европа яҳудийлари учун махсус яратилган канал Исроилдан янгиликларни олиб беради, шунингдек Европа яҳудийлари ҳақида материалларни француз ҳамда иврит тилларида намойиш этади. Ҳафтасига икки марта Қуддусдан тўғридан-тўғри намойишлар ўтказилади. Исроил маданияти ҳақидаги кўрсатувлар билан бир қаторда, уларнинг ичида идиш театри ҳақидаги кўрсатувлар ҳам бор. Каналда Исроил телевидениесининг баъзи бир кўрсатувлари ҳам кўрсатилади. Масалан, «Харцуфим» — қўғирчоқлар билан сатира жанридаги таниқли кўрсатув. Кўрсатувларнинг узатилиши вақтида жуда кеч — кечқурун соат ўндан ўн иккига қадар бўлишига қарамай, канал раҳбарлари кўрсатувнинг юқори рейтинги инглиз ва француз тилларидаги кўрсатув ва трансляцияларни кейинги йилда кенгайтиришимизга кафолат бўлади, деб ҳисобламоқдалар.

«СУПЕРЖАНГ»

Ханок Розен болаларни зериктирмаслик ноёб хислатига эга. Таниқли мим, Ханок Розен ўз кучларини янги «Супержанг» фильмида синаб кўрди.

Ушбу фильм Том исмли қобил хаёлпараст бола ҳақида, унинг табиати мактабнинг умумий қисмига бирмунча мос келмайди. Қизлардан уялади, синфдошлари унга «Астронавт» деб лақаб қўйишган, имтиҳонлар унда айиқ касаллигини чақиради. Унинг ягона дўсти — профессор Ганц кенг тажрибага эга ғалатироқ олим, Томни мактабда ўтган навбатдаги қийин кунидан сўнг «плацебо» безарар таблеткалари билан сийлашни ёқтиради.

Табиийки, бир куни профессор бехосдан ўзининг энг янги жуда махфий дорисининг меъёрини кўпайтириб юборади, бунинг оқибатида Том жуда кучли ва тезкор гиперактив истеъдод эгаси бўлиб қолади. Унинг шоколадга мойиллиги ниҳоятда ўсиб кетади, ўзига ишончи кундан кунга ортиб боради, аммо у кимлигини унутиб қўяди. Бундай бурилишдан ташвишга тушган профессор Ганц ва Томнинг узун сочли дугонаси Авигаиль қаҳрамонимизни орқага қайтаришади ва ҳақиқий куч ва муваффақият одамнинг фақатгина ўзига боғлиқлигини кўрсатишади.

Фильмда Дуду Топаз ҳамда «High Five» гуруҳининг ёш ижрочи юлдузлари иштирок этишган. Том ролида ҳаммага ёқиб қолган Том Авни. Фильм продюссерлари — Уди Изак ва Ханок Розен.

Турмуш чорраҳаларида

БОЙЛИК ВАСВАСАСИ

Ҳаммаси ўша кундан бошланди...

Ўқдек учиб бораётган «ГАЗ-31» таққа тўхтади. Шиналарнинг «оғриқ» азобидан қичқириши бекатдагиларни беихтиёр ўзига қаратди. Эшик очилиб, башанг кийинган мўйловли йигит кабинадан бош чиқариб бақирди:

— Ибодулла!

Ибодулла бир зум саросимага тушиб қолди. Сўнг кўзларига ишонқирамай овоз келган томон юрди.

— Кабирмисан?

Кўришдилар. Бир ишора билан Ибодулла машина кабинасидан ўрин олди.

— Сайёрахон, танишинг, менинг ҳамкурс дўстим, — деди Кабир рул чамбарагини бошқараркан.

Қалин қора кўзойнак тақиб олган гўзал жувон истар-истамас «ошга тушган пашша» билан аранг саломлашди.

Ибодулла ўзини ноқулай сезди.

— Бормисан? Бирор марта сўраб-истамайсан-а, — булбулдек сайраб кетди Кабир.

— Иш, — чайналди Ибодулла.

«Тавба, нега у институтда бир майизни тенг бўлашиб ейдиган қадрдон дўстидан бунчалик тортиняпти? Ёки такаббурона ўтирган мана бу жувоннинг савлати босаяптими? Балки, Кабир билан икки-уч йилдан бери кўришмаганига шунақа ҳолат рўй бераётгандир. Ёки унинг тагидаги машинанинг қудратими бу?».

— Қаерда ишлаяпсан? Ҳали ҳам ўша илмий-текшириш институтидами?

Ибодулладан «Ҳа» жавобини олгач Кабир бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Олим бўлиб қайси тоғни олиб берардинг, оғайни? Беш кунлик дунёда яшашни билиш керак-да! Ҳа, айтмоқчи, биз далага кетяпмиз. Хоҳласанг биз билан юр. Лолахон дугонасини олволади.

Жувоннинг пешонаси тиришди. Ибодулла иши зарурлигини айтиб машинадан тушди.

— Эртага сени кечқурун уйда кутаман. Албатта кел. Зарур гап бор, — дея Кабир машина ғилдираклари-дан ўт чақнатиб, жўнаб кетди.

Ибодулла узоқ вақт унинг орқасидан тикилиб қолди. Шу дамда у хаёлан Кабир билан ўзини таққослади. Институтни зўр-базўр тугатган дўстининг дабдабаси билан ўзининг бугунги аҳволи ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Кабирнинг тагида янги машина. Олий даргоҳни имтиёзли диплом билан битирган Ибодулла эса ақалли шу пайтгача велосипедга ҳам эга бўлгани йўқ...

Гўё мактабни эслатадиган икки қаватли оқ ғиштли иморат остонасидан кириши билан Ибодулланинг оғзи очилиб қолди. Шоҳона ҳаёт деб мана буни айтса бўлади. Ҳаммаёқ озода, саранжом-сариштa. Бир четига кўм-кўк чим босилган ҳовлининг ўртасида гулзор, катта ҳовуз. Ўртадаги фаввора осмонга сув сачратиб турибди. Бир сўз билан айтганда ҳовлида чинакам баҳор ҳукмрон. Хоналарда қўша-қўша гиламлар, биллур қандиллар, кўзни қамаштирувчи чинни идишлар эса беҳисоб.

— Бизнинг кулба мана шу дўстим, — сўз бошлади Кабир муғомбирона жилмайиб. — Шу арзимас рўзғорни бутлаб, машина олгунча озмунча югурмадим.

Улар узоқ суҳбатлашишди.

— Ўзинг биласан, — деди гап охирида Кабир. — Касбим оддий, қурилишда ишбошиман. Дастлаб бошқа жойга кўчиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Бироқ, унинг мазасига кейинчалик тушундиму ишга шўнғиб кетдим. Гап ўртамизда қолсину хўп десанг сени ҳам ёғлиқ ишга жойлаб қўяман.

— Қанақа иш, — сўради Ибодулла кулиб.

— Қоровулчиликка.

— Нима? — Ибодулла таажжуб билан дўстига тикилди.

— Мана шунақа, — кулиб туриб сўз бошлади Кабир. — Назарга илмайдиган иш. Лекин тушими зўр. Ўлай агар, мен билан баҳамжиҳат ишласанг, бир йилга қолмай машинали бўласан. Кечаси қоровулчилик қиласан, кундузи қурилишда ишлайсан. Ора-чора бошқа юмуш ҳам чиқиб туради. Истасанг бир кечада анча-мунча пул ишлаб олишинг мумкин. Тахта, тунука, эшик, ром, ғишт деганидек майда-чуйда материаллар ҳақида оғиз очмай қўяқолайлик. Сен ўзимникисан, сирдош бўлганинг учун айтаяпман бу гапни.

У Кабирнинг гапларини қайта-қайта салмоқлади. Ҳозирги иши билан кейингисини тарози палласига қўйди. Кабир томон босаверди.

«Рост-да, қачонгача арзимас маош билан кун кечираман. Илмий ишим ҳам қолиб кетмас. Бир-икки йил ишлаб, машина олволганимдан сўнг яна ўз ишимга қайтсам бўлаверади. Шундан кейин ишим ҳам юришиб кетар, балки. Домлани янги машинада олиб юрсам, дам олиш кунлари уйида хизмат қилиб турсам, бир ойда ёқлаб оламан илмий ишимни». Шу хаёлда у ярим кечада ширин уйқуда ётган хотинини уйғотди.

Дилбархон ҳайрон бўлиб уйқули кўзларини ишқалади.

— Машина, кейин ҳовли-жой сотиб олсам, нима дейсан, — деди Ибодулла томдан тараша тушгандек.

— Тушингизда кўрдингизми? Яхши ният—ярим мол, — деди хотин эрининг мақсадига тушунмай.

— Менга қара, бу ният эмас, ҳақиқат.

— Қандай? Олтин топиб олдингизми? — Бу гал қандайдир қўрқув ва ҳаяжон билан сўради Дилбархон.

— Олтин эмас, иш топдим.

— Қўйинг-ей, дадаси, хомхаёл бўлманг. Ўз ишингиз-чи? Илмий даражали бўлиб олсангиз, кўрмагандек бўлиб кетармиз. Ҳозир ҳам ейиш-ичишимиз жойида, устимиз бут, дабдабали ҳовли-жою машинани ҳавас қилмай қўяқолинг. Мана шу уйимиз ҳам етади бизга. Болаларимиз тинч, оиламиз соғ-саломат бўлгандан кейин бизга ортиқча даҳмазанинг нима кераги бор.

— Ахир бир ўйлаб кўр, хотин, янги машинамиз бўлса, биз ҳам одамларга ўхшаб дам олиш кунлари ойламиз билан узоқ далаларга чиқиб кетсак, дам олсак, ҳордиқ чиқарсак, ёмонми?

— Албатта, яхши. Лекин шунча пулни қаердан топасиз?

Ибодулла ўз фикрида туриб олди. Маслаҳатларга қулоқ солмади. Кўп ўтмай, турли баҳоналар билан ишдан бўшади. Кабир ҳам сўзининг устидан чиқди.

Лекин ҳолва деган билан оғиз чучумас экан. Ибодулла анчагача янги ишга кўниколмай юрди. Бир куни кечки пайт унинг ёнига Кабир келди.

— Менга қара, кечаси олдингга бир киши келади. Ҳов анави оқ тунукадан 40 тасини бериб юборасан.

— Ахир... қандай қилиб, — дудуқланди Ибодулла.

— Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди, оғайни. Бунақада икки дунёда машиналик бўлолмайсан.

Кабир келадиган одамнинг юз тузилиши, кийими, машина рақамини обдон тушунтирди. Кейин хамир учидан патир деган маънода Ибодулланинг кафтига пул босди.

— Айтиб қўяй, бир кор-ҳол рўй берса, мен бехабарман.

Тунги иш хамирдан қил суғургандек осон ўтди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яна ва яна такрорланди бундай иш. Шундан кейин Ибодулла оғир имтиҳондан эсон-омон ўтиб олган кишидек оёққа туриб олди. Энди унинг ўзи Кабирни пойлар, келиши билан тузиб қўйган режасини айтарди. Шундай вақтларда дўсти унинг елкасига қоқиб, «устоздан ўзган шогирд» дея кўкларга кўтарарди.

Кабирнинг яна бир хуфя иши борлигини Ибодулла кейин сезди. Сездию бу ишга ҳам, билиб-билмай аралашиб қўйганлиги туфайли лабини тишлади. Дўсти гиёвандлик моддаларини сотувчилар билан ҳам алоқа боғлаган экан.

Кабирнинг гаплари тўғри чиқди. Ибодулланинг чўнтаги қаппайиб қолди. У энди оила ташвишини ҳам деярли унутган, бутун дарди-хаёли пул топиш билан банд эди.

Бир куни кечқурун хотини унинг қўлига боғча тўлов қоғозини тутқазди.

— Эртага охирги кун экан. Боғча опаси илтимос қилди. Бугун пулини тўламасак бўлмас эмиш.

Ибодулла бу гапни биринчи марта эшитаётгандек сесканиб тушди.

— Ўзинг маошингни нима қилдинг?

— Болаларга кийим-кечак олиб бердим, рўзғор қиляпман. Ахир янги ишга ўтганингиздан бери оилага бутунлай қарамай қўйдингиз-ку, дадаси. Бунинг устига кеча-кундуз ишдасиз.

— Ойимнинг пенсия пулларидан тўлаб тур, менда пул йўқ.

Дилбархоннинг гапи оғзида қолди. Эри эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

Бойлик — хасислик эканини шунда тушунди Дилбархон. Кўз ўнгида эри қандай қилиб бу балога тойиб кетди? Нега унга индамади? Нима қилиши керак? Эрини қандай қилиб қайтарсин бу қинғир йўлдан? Унинг сирини фош қилсинми? Бу билан эрини ўз қўли билан қамоққа тиқмайдими, унга ялинсинми? Ҳа, шундай қилиш керак. Ялиниб-ёлвориб бўлса ҳам уни бу йўлдан қайтариш керак.

Хосият холада ҳам ором йўқолди. У келини билан бамаслаҳат ўғлига бу борада бир неча бор гапирди, маслаҳат берди. Лекин онаизорнинг насиҳатларини Ибодулла олмади.

Унинг қалбини бойлик васвасаси тобора яралагандан яралаб борди. У энди на маҳалладаги ўз тенгқурларига қўшилар, на маросимларда қатнашарди. Унинг мақсади битта — тезроқ ва кўпроқ пул топиш эди. Бунинг учун у энди ҳеч қандай қабиҳликдан тоймасди.

«Майли, — дерди у. — Ким нима деса деяверсин. Ўзимни тиклаб олай. Ҳали уларга кимлигимни кўрсатиб қўяман».

Ноқобил йўлга кириб қолган фарзанд ҳасратида онаизор ҳам тутдай тўкилди. Шифокорлар унинг дарди оғирлигини айтиб, Хосият холани касалхонага олиб кетишди. Дилбархон ҳар куни унинг ҳолидан хабар олиб турди. Ибодулланинг эса касал онасини ҳам бориб кўришга «қўли тегмасди». У хотининг қайта-қайта илтимосларидан сўнг касалхонага борган куни ўғлининг дийдорига зор бўлиб ётган онаизорнинг кўзи юмилган эди.

Онанинг ўлимидан сўнг уйдан бутунлай файз кетди. Бир вақтлар Дилбархон учун ардоқли ва жозибали бўлган уй энди унинг кўзига файзсиз, ҳиссиз кўринди. Кампирнинг қирқидан сўнг арзимаган гапдан бошланган жанжал жангга айланди-ю Дилбархон ҳам бу уйни тарк этди. Болаларни олиб онасиникига кетди.

— Тўрт томонинг қибла, — деди Ибодулла, палапондек бўзлаб турган болаларининг кўз ёшига ҳам қарамай. — Ҳали кўрасан, онаси ўпмаган қизга уйланаман.

Ўша куни Ибодулла кечаси билан тўлғаниб чиқди. Тушида машина эмас, нуқул онасини кўрди. Чўчиб уйғонади. Яна кўзи уйқуга кетиши билан тушининг давомини кўради.

Эртасига қурилишга борди-ю нохуш хабар эшитди. Кабир қўлга тушиб қолган эмиш.

Ибодулланинг охирги таянч ипи узилган эди. Энди нима қилади? Ишқилиб дўсти унинг оёғидан тортмаса бўлгани. Шундай ҳам бўлди. Орадан кўп ўтмай Ибодулла ҳам Кабирнинг ёнидан жой олди. Тавба, шу куни биринчи бор кўз олдидан шоҳона уй-жой, машина эмас, балки онаси, фарзандлари, хотини бирма-бир ўтди. У шу куни бойлик васвасасига учраб, иззат-нафсини йўқотганини, бир йиллик умрини (билмадик қилмиши яна қанча қамоқ жазоси билан ўлчанаркин) ҳавога совурганини, онаси ва оиласидан умрбод жудо бўлганини тушуниб етди-ю аччиқ кўз ёшлари унинг юзини ювди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Ўзбекистон баскетболи халқаро майдонга чиқмоқда.

«02»

БОЙМИРЗА АКАНИНГ ҚУВОНЧИ

Ўзбекнинг бир яхши одати бор. Қони-қариндош тўй қилса қаерда бўлмасин етиб келади. Боймирза ака, мана анча йиллар бўлибдики, пойтахтлик бўлиб қолган бўлишига қарамасдан туғилиб ўсган юрти Наманганнинг Чустидаги туғишганлари билан алоқани узгани йўқ. Бирон бир тўй ёки кувончли воқеанинг усиз ўтганлигини эслашолмайди.

Кунлардан бирида у узоқ Наманганга тўйга отланди. Ҳали айтганимиздек тўй деса дунёнинг нариги бурчагига ҳам кетаверадиган одам. Сўзсиз, ҳамма тўйга кетгач, уйда ҳеч ким қолмайди. Бундан фойдаланган нопок кимсалар хонадонга ўғриликка тушишади. Муқаддам ана шундай қилмиши учун жавобгарликка тортилган. Н. исмли шахс биринчи бор уйдан видеомагнитофон ва «Полароид» фотоаппаратини олиб кетиб, шу атрофдаги танишиникига қўйиб келади. Нафс қурбони бўлган бу шахс шайтон васвасасига учиб, иккинчи бор уйга келиб рангли телевизорни олиб кетаётганида қўшнилар сезиб қолади. Қаранг, яхши одамнинг қўшнилари ҳам яхши бўлади-да. Айрим бир одамларга ўхшаб улар ҳам «туя кўрдингми» деса нима бўларди. 16 ёшли Бурҳонжон ўғрини билиб қолиб, уни лифтда ушлаб туриб бошқаларни ёрдамга чақирди. Кимдир участка вакилига хабар қилди. Милиция ходимлари ҳам тезда воқеа жойига етиб келишди. Ўғридан ашёвий далил сифатида телевизор, видеомагнитофон, фотоаппарат ва эшикни бузишда қўлланган темир дастак олинди.

— Ҳаммадан хурсандман, — дейди Боймирза ака Шоев. «Кўпдан қуён қочиб қутулмас» деганларидек, ўғрини бир пасда ушлаб олишди. Милиция ходимлари эса уйимдан олиб чиқиб кетилган буюмларни яна бизга қайтариб беришди.

Терговни олиб бораётган Чилонзор тумани ИИБ терговчиси, милиция лейтенанти Неъматжон Бўтаевдан ўғри қилмиши учун қандай жазога тортилиши ҳақида сўраганимизда у аввалги қилмишидан сабоқ чиқариб олмаган бу кимса қонунларимизда белгиланганидек суд томонидан 5 йилдан 8 йилгача бўлган жазони олиши мумкинлигини айтди.

Биз бир айбланувчига, бир жабрланувчига қараймиз. Икки одам — икки дунё. Бири ошини, бири бошини емокда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

Мулоҳаза

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА

ҚАНДАЙ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ КЕРАК?

Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва улар натижаларига барҳам бериш масалалари республикамиз ҳукуматининг доимий диккат-эътиборида турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва хатти-ҳаракатлар Давлат тизими тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда ҳолатлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги қарорлари чиқанлиги, шунингдек, Фуқаролик муҳофазаси бошлиғи, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлагановнинг ташкилий кўрсатмалари фикримиз далилидир.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ ҳолда шаҳримизда аҳолининг турли тоифаларини фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланишни ўргатишни кўзда тутувчи ва шунга ўхшаш бошқа юмушлар амалга оширилмоқда. Фуқаролик муҳофазасининг ҳарбийлаштирилмаган тузилмаларини таркибига кирувчи ва унга кирмайдиган корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари мана шундай гуруҳларнинг бирига киради. Ҳар икки тузилмада ҳам 15 соатлик умумий тайёргарликдан ўтилади, бироқ ҳарбийлаштирилмаган тузилмалар таркибига кирувчилар учун ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда махсус дастурлар бўйича тайёргарлик ҳам кўзда тутилган.

Тайёргарлик доирасида ҳар уч йилда бир мартадан, муайян хавфли объектда эса йилига бир мартадан ўтказиладиган махсус-тактик ўқув машқлари, шунингдек, фуқаролик муҳофазаси бўйича машғулотларга алоҳида эътибор қаратилади. Ўқув машқлари ва машғулотларда фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш бўйича хатти-ҳаракатлар режаларининг аниқлиги текширилади, шунингдек, фаолият кўникмалари ишлаб чиқилади.

Шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик муҳофазаси ҳарбийлаштирилмаган тузилмаларининг командирлари шаҳар фавқулодда ҳолатлар бошқармаси раҳбарлари таркибини тайёрлаш марказида тегишли тайёргарликдан ҳар уч йилда бир мартадан ўтишади, қолган вақтларда эса иш жойларидаги тузилмаларнинг бошлиқ таркибларини тайёрлаш гуруҳларида таълим оладилар. Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари таркиби учун объект фуқаролик муҳофазаси бошлиғи гуруҳида тасдиқланган мавзу бўйича йилига 15 соат ҳажмида, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, корпорациялар, ассоциациялар, концернлар ва йирик корхоналар раҳбарлари учун — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда ҳолатлар вазирлигининг фуқаролик муҳофазаси институтида ўқув машғулотларини ўтиш кўзда тутилган.

Эргаш ИКРОМОВ, Тошкент шаҳар фавқулодда ҳолатлар бошқармаси бошлиғи, фуқаролик муҳофазаси бошлиғининг ўринбосари.

«Бошлиқ» даҳасида жойлашган 4 хонали, паркет полли, темир эшиклар ўрнатилган квартира
СОТИЛАДИ
Телефонлар: 50-19-13, 67-28-32.

Собир Раҳимов туманида жойлашган «Элбой-Люкс» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 48-85-54 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 1-сонли нотариал идора катта нотариуси Холида Муратовна Ҳакимовага онаси
Астхик Семеновна ҲАКИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Юнусобод тумани «Нознеъматлар» жамоа корхонаси хизматчилари корхона ходими
Бахтиёржон ҲУСАНОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНААР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.
Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г-08. Босмага топшириш вақти 11.30 123456